Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

# Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 22 апрель Чоршанба. № 30 (144123)

## "ТУРКИСТОН" МУЛОҚОТГА ЧОРЛАЙДИ

Республика Президентининг куни кеча матбуотда эълон қилинган "Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган ёшлар томонидан қизғин кутиб олинди. Фермер ва ишбилармон дўстларимиз таҳририятга қўнғироқ қилиб, мазкур ҳужжат ва тадбиркорларнинг ҳақ ва ҳуқуқлари тўғрисидаги саволлар билан мурожаат этишмоқда. Шуни эътиборга олиб, "Туркистон" газетаси республика тадбиркорларига Фармонни шарҳлаб бериш, шунингдек, уларни қизиқтирган саволларга жавоб бериш учун телефон орқали бевосита мулоқот ташкил этади. Унда ***республика "Бизнес-фонд"и бошқаруви раиси Алижон Юсупов, биринчи ўринбосари Гулнора Юсупова, "Тадбиркорбанк" бошқаруви раиси Музаффар Собиров ва банк бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Азиз Валиев*** қатнашади. Таҳририят меҳмонлари сизларнинг саволларингизни 1998 йил 27 апрель, душанба куни соат 15 дан 17 га қадар қуйидаги телефонда кутишади.

**133-89-61 133-95-97**
**(Тошкент шаҳрининг коди 3711)**

# ЁРУҒ КУНЛАР

*Эътироф*

**Мустақил давлат сифатида фаолият бошлаганимизга - жаҳон харитасида Ўзбекистон Республикаси деган мамлакат пайдо бўлганига ҳадемай етти йил бўлади. Етти йил бу кўҳна олам учун бир лаҳзалик муддат аслида. Аммо ана шу қисқагина вақт ичида мамлакатимизда рўй берган ўзгаришлар, халқимиз эришган ютуқлар салмоғи бир неча ўн йилларга тенг. Буни наинки ўзимиз, узоқ-яқиндаги дўстларимиз ҳам, рақибларимиз ҳам, халқаро ташкилотларнинг мутахассислари ҳам эътироф этмоқдалар.**

Истиқлолнинг дастлабки йилидаёқ йўлбошчимиз томонидан ишлаб чиқилган беш тамойил асосида ислоҳотларнинг қатъий ва изчил амалга оширила борииши натижасида юртимизда ой сайин буюк ўзгаришлар рўй бермоқда. Ҳозир мен бу ўзгаришу ютуқларни бирма-бир санамоқчи эмасман, балки биргина масалага эътиборингизни жалб этмоқчиман, холос.

Беш-олти кун бурун Буюк Британиянинг «Би-би-си» радиоси «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси маҳсулотларининг Россия бозорларига кириб бориши ҳақида бир эшиттириш берди. Москвалик журналист тайёрлаган мазкур эшиттиришдан айрим фикрларни келтирмоқчиман: «Ўзбек «Нексия» автомобилининг пайдо бўлиши собиқ шўро автомобилсозлик маконида юзага келган илк ўзгаришлардан бўлди. Бугунги кунда Россия шаҳар ва қишлоқларига ўзбек «Нексия»сининг кириб келиши Россия автомобилсозларини шиддатли рақобат билан юзма-юз этмоқда».

«ЎзДЭУавто» корхонаси ишга тушганига ҳали икки йил ҳам бўлгани йўқ. Бироқ шу қисқа муддатда мазкур қўшма корхона маҳсулотлари - «Нексия», «Тико», «Дамас» машиналари бир қанча давлатлар бозорига кириб борди. Ҳатто бир неча турдаги машиналар ишлаб чиқариб келган Россия бозорларидан ҳам бу автомобиллар ўз ўрнини топмоқда.

Москвада нашр этиладиган «Труд» газетаси шу кунларда бир реклама бермоқда. Унда «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамиятининг машиналари таклиф этилади. Ўша рекламада «ЎзДЭУ»нинг машиналари ўн хил рангда экани ва бошқа бир қатор имкониятлари борлиги баён этилган. Энг муҳими, Россиянинг ўн олти шаҳарида «ЎзДЭУавто»нинг диллерлари борлиги маълум қилинган. Мана ўша шаҳарлар: Москва, Владимир, Ярославль, Тула, Санкт-Петербург, Череповец, Екатеринбург, Пермь, Қозон, Тюмень, Новосибирск, Краснодар, Омск, Томск, Оренбург, Саратов.

Бу рўйхатни атайлаб келтирдим. Кўриниб турибдики, ўзбек автомобили Россиянинг деярли барча минтақасига кириб борган.

Шўро ҳукумати энг авжига чиққан 197О-йилларни яхши эслайман. Ўша йилларда оддийгина «Запорожец» ёки «Москвич» машинасини олиш минг машаққат эди. «Жигули», «Волга»ни айтмаса ҳам бўлади. Ишхоналарда навбатга ёзилар, ундан сўнг район ижроия қўмиталарида сарсон-саргардонлик бошланарди. Энг алам қиладиган жойи - албатта «шапкаси» бериларди. Ўзи-ку бир машинага етгулик маблағ тўплаш осон эмасди, пулинг бўла туриб уни ололмаслик янада алам қиларди. Аслини айтганда нима сотиб олиш осон эди ўша йиллари? Гиламми, мебелми, мотоциклми? Нима? Оддийгина чинни идишлару пойабзални айтинг. Таниш-билишсиз иш битмасди. Қиз узатмоқчи ёхуд ўғил уйлантирмоқчи бўлган ота-она гилам деб кимгадир ялиниб борса, арзимаган жемпер деб яна кимнингдир эшигида сарғайиб ўтирарди. У вақтларни кўрмаган ёшлар учун бу гаплар эҳтимол ажабланарли, эртак мисоли туюлар. Аммо бор ҳақиқат шундай эди. Бугун магазинларни, бозорларни бир айланинг, нима йўқ?! Истаган нарсангиз топилади, бунинг устига танлаб олиш имкони бор. У вақтларда кундалик ишлатиладиган чинни идишлар, атласу бахмал топиш ҳам муаммо эди. Ваҳоланки, булар ўзимизда, яъни Ўзбекистонда ишлаб чиқариларди. Лекин Ўзбекистон ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотга ўзи эгалик қила олмасди. Ишхоналардан заводларга, магазину савдо идораларига илтимосномалар ёзиб, чинни буюмлар, бир-икки кийимлик атлас, духоба олинар эди.

Такрор айтаман, бугун бу маҳсулотларнинг қайси бирини топиш муаммо? Ҳаммаси, боз устига рангбаранги мавжуд. Биламан, кимдир нархи-чи, баҳоси қиммат-ку, деб эътироз билдириши мумкин. Балки шундайдир. Мен фалон нарса 7О-йилларда бунча эди, ҳозир бунча, деб таҳлил қилмоқчи эмасман. Бошқача айтганда, мен айнан бозорларимизнинг тўкин-сочинлиги хусусида гапиряпман. Қолаверса, борингки, нархи сал баландроқ бўлса ҳам ўша нарсанинг борлиги, истаган пайтингизда сотиб олиш имкони мавжудлиги муҳим. Чунки қимматроқ бўлса иккита эмас, битта, ўн кило эмас, беш кило оларсиз. Бироқ чўнтагингизда пул бўла туриб керакли нарсани тополмай, кимгадир ҳам ялиниб, ҳам ортиқчаси билан пул бериб, яна унга қуллуқ қилиб минг марта раҳмат айтиб нарса олишдан худо асрасин...

Бу фикрлардан хулоса шуки, истиқлол имкониятларимизнинг намоён бўлиши учун шароит яратмоқда. Шўро давлатининг хомашё ўлкасига айланган Ўзбекистон бугун ўз маҳсулотлари билан жаҳон бозоридан ўрин олмоқда. Айни чоғда дунё мамлакатларининг маҳсулотлари бизнинг бозорларимизга кириб келмоқда.

Дарвоқе, гапни ўзбек машинаси ҳақида бошлаган эдик. Аллоҳга шукроналар бўлсинки, «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» /»Маде ин Узбекистан»/ деб ёзилган автомобиллар бир неча мамлакатларнинг шаҳар ва қишлоқларида юрибди. Ўтган йили Истамбул кўчаларида «Нексия» машинасини кўрганимда кўнглим тоғдай кўтарилган, қалбим ғурур ва ҳаяжонга тўлиб-тошган эди. Энг муҳими, бугун машина сотиб олиш имкониятига эга ҳар бир одам истаган вақтида қанақа автомобиль хоҳласа, шунақасидан ҳеч кимга ялинмай, ҳеч қанақа «шапка» бермай харид қилиши мумкин.

Мустақиллик нима берди, шўро даврида ундоқ эди - мундоқ эди, деган гаплар, минг афсуски, ҳозир ҳам баъзан қулоққа чалиниб қолади. Ўшанақа фикрловчи одамларга юқоридаги гапларни такрор ва такрор айтгим келади. Ва яна бир нарсани таъкидлашни истайманки, бу ерда келтирилган мисоллар истиқлол берган имкониятларнинг юздан, эҳтимол, мингдан биридир. Бунинг устига, булар атиги олти ярим йилнинг самаралари. Агар юртимиздаги бунёдкорлик шу суръатда, шу изчилликда давом этаверса яна ўн-ўн беш йилдан кейин не-не оламшумул ўзгаришларнинг гувоҳи бўламиз.

Аллоҳ насиб этса, Президентимиз башорат қилган кунлар - Ўзбекистонимиз чинакам, ҳақиқий буюк давлатга айланадиган кунлар узоқ эмас. Ўлкамизда осойишталик, барқарорлик, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик устувор, бунёдкор халқимиз, юртимиз, элимиз учун фидойи йўлбошчимиз бор экан, ўша нурли, ёруғ кунларга албатта етажакмиз, иншооллоҳ.

**М.ҲАЗРАТҚУЛОВ, /ЎзА/**

# "КОКА-КОЛА"... НАМАНГАННИКИ...





*Яхши замонлар келди. Пештахталаримизда чет элникидан қолишмайдиган ўзимизнинг чиройли идишли ичимликларимиз пайдо бўлди.*

*Эрта ёзнинг иссиғида танга оро кирадиган "Кока-кола" ҳам ўзимизники эканлигига шубҳа қиладиган топилади.*

*Сиз суратда кўриб турган Р.Абдуазизов, Р.Ехасов, Н.Носовалар Тошкент"Кока-кола" ичимлиги ЛТД қўшма корхонасининг Наманагандаги корхонасида ишлайдилар. Ёшларнинг олдига қўйган мақсадлари Фарғона водийси аҳолисини тотли ичимлик билан таъминлашдир.*

*... Қопқоқ очилади. Бир марта ҳўпланг. "Кока-кола" -- Наманганники.*

**Сураткаш: А.ГЕРАСИМОВ**

*Шу сонга хабар*

# "СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?"

**"Камолот" жамғармаси ташаббуси остида ўтаётган "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловининг минтақавий босқичлари давом этмоқда.** Кўрик-танлов Республика Конституцияси, Олий Мажлис ва маҳаллий органларга сайловлар, сайловчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда ёшларнинг қонуний бурч ва ҳуқуқлари доирасида бўлиб ўтмоқда.

Танловнинг навбатдаги минтақавий босқичи Самарқанд шаҳрида ўтказилди. Унда Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларининг ёш ҳуқуқшунослари ўзаро беллашдилар. Ғолиблик Самарқанд вилояти Нуробод тумани 10-ўрта мактабнинг "Ҳаққоният" гуруҳига насиб этди.

Шунингдек, Шаҳрисабз шаҳрида ҳам кўрик-танловнинг минтақавий босқичи бўлиб ўтди. Унда Қашқадарё вилоятининг "Адолат", Сурхондарё вилоятининг "Хумо", ҳамда Хоразм вилоятининг "Мусамман" гуруҳлари учрашдилар. Қизқин ўтган беллашувда ўзларининг пухта билимга эга эканликларини намойиш этган Урганч шаҳри Огаҳий номли лицейнинг "Мусамман" гуруҳи минтақавий босқич ғолиби бўлди.

Мазкур кўрик-танловнинг якуний босқичи 11-12 май кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

**Ҳусниддин ШАКАРОВ**

# НИЯТ ХОЛИС БЎЛСА...

***Яна бир неча кундан кейин "Амир Темур" халқаро илмий экспедицияси ташкил топганига етти йил тўлади. Нафсиламрини айтганда, етти йил оқсоч дунёнинг ёши олдида бир лаҳзадек гап. Аммо ана шу қисқа муддат ичида мазкур экспедиция ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни бироз бўлсада амалга оширишга эришди. "Амир Темур" халқаро илмий экспедицияси раҳбари Фахриддинхўжа АШРАФХЎЖАЕВ билан бўлган мулоқотимиз ана шу хусусда бўлди.***

**-- Фахриддинхўжа ака, аввало, халқаро илмий экспедиция нима мақсадда ташкил этилган эди?**

-- Асрий тарихимиз, айниқса, соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар тарихи, ўша даврга тааллуқли манбаларни, улар яратган меъморчилик обидаларини ўрганиш иштиёқи билан ёнган бир гуруҳ олимлар "Ёш ленинчи" (ҳозирги "Туркистон") газетаси қошида "Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб" халқаро илмий экспедициясини ташкил этишди. Унинг асосий мақсади тарихимизни тўла ва асосли равишда ўрганиш, бу эзгу ишга кенг жамоатчиликни, айниқса, ёшларни жалб қилиш, соҳибқирон билан боғлиқ жойларни илмий асосда тадқиқ этиш, жой номларини аниқлаш, ўша ердаги илмий жамоатчилик, маҳаллий аҳоли билан учрашиш, ҳужжатли фильмлар ва китоблар яратиш, илмий-оммабоп мақолалар эълон қилишдан иборат эди.

**-- Экспедиция амалга оширган ишлар хусусида кенгроқ тўхталсангиз?**

--Дастлабки йўналишни соҳибқирон таваллуд топган юрт Шаҳрисабздан бошладик. Экспедиция аъзолари бу қадимий шаҳардаги Темур ва темурийлар даврида қурилган тарихий обидалар, маданий ёдгорликлар билан танишдилар, соҳибқирон туғилган Хўжаилғор қишлоғи аҳолиси ўртасида суҳбатлар ва учрашувлар ўтказилиб, илмий-амалий конференциялар ташкил этди. Амир Темур ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган вилоятдаги кўпгина тарихий жойлар ўрганилиши натижасида экспедициянинг биринчи йўналиш харитаси вужудга келди. Темур ва темурийларга оид халқ оғзаки ижодидаги ривоятлар, ҳикоялар тўпланди. Оқсарой, Кўк гумбаз, Амир Темур ҳарбий машқлар ўтказган Яккабоғ ва Чироқчидаги ғорлар ҳамда бошқа тарихий жойлар, меъморчилик обидалари диққат билан ўрганиб чиқилди. Бундан кейин яна ўн олтита экспедиция уюштирилди.

Ўзбекистон республикасидан ташқари Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон республикаларига ҳам алоҳида илмий-амалий экспедициялар уюштирди.

Ҳозирча республикамиз бўйлаб ўтказилган илмий-амалий экспедиция натижалари жамланиб дастурлар тузилган, ҳар бир вилоят, туманда жойлашган меъморчилик обидалари, тарихий жойлар, муҳим воқеалар кечган манзиллар харитаси яратиляпти. Мазкур дастур ва хариталар асосида ёшларимизга ўлкамиз тарихини тўла ва аниқ тушунтириш ниятидамиз.

Шунинг баробарида чет эл сафарларига ҳозирлик кўрилиб, йўналишлар харитаси тузиляпти, илмий-тарихий жараёнлар синчиклаб ўрганиляпти. Россия, Эрон, Хитой, Афғонистон, Ҳиндистон ва Монголия бўйлаб уюштириладиган навбатдаги йўналишлар режаси ишлаб чиқилмоқда.

**-- Экспедиция натижасида Амир Темур билан боғлиқ қандай янги топилмалар ёки тарихий масканлар аниқланди?**

-- Биринчи топилмалардан бири Хўжаилғор қишлоғидаги полвонтошдир. Бу соҳибқирон бобомиз 10-11 ёшларида кўтарган 120 килолик катта тош бўлиб, у ҳақда матбуотда мақолалар эълон қилинган ва телефильм суратга олинган. Ўзгандан топилган улкан Қуръони Карим ҳам экспедиция аъзолари кашф этган ноёб ёдгорликлардан саналади. Бу муқаддас китобнинг оғирлиги 40 килограмм, бўйи эса бир метрдир.

Зангиота масжидидаги 450 йилдан ортиқ тарихий даврни ўз ичига олган шажара, Тошкент шаҳридан топилган "Ислом туғи" ҳам шундай қимматли топилмалардандир. Бундай нодир ва ноёб тарихий ҳужжатлар, қадамжолар, қадимий масканларни экспедиция аъзолари илмий асосда ўрганишмоқда.

**-- Илмий экспедицияда иштирок этган олимлар, улар яратган асарлар хусусида ҳам гапириб берсангиз?**

-- Илмий экспедиция ишида нафақат республикамиздан, балки чет эллардан ҳам таниқли олимлар иштирок этишяпти. Экспедиция аъзоларидан А.Аҳмедовнинг "Зафарнома", Т.Файзиевнинг "Темурий маликалар", "Темурлар шажараси", М.Муродовнинг "Соҳибқирон сабоқлари", О.Усмоновнинг "Зангиота", А.Ўринбоев ва О.Бўриевларнинг "Зафарнома", Ҳ.Сатторийнинг "Хотира карвони" каби илмий асарлари чоп қилинди.

Қаерга бормайлик, жойлардаги илмий жамоатчилик бизга яқиндан ёрдам беради. Айниқса, ёш олимлар, тадқиқотчилар, аспирантлар бизнинг доимий кўмакчиларимизга айланган. Бундан ташқари афғонистонлик Ғайрат Сафар, америкалик Лора Адамс сингари олимларнинг экспедиция ишларида иштирок этиши унинг кўлами ортиб бораётганидан далолат беради.

**-- Бундай катта ва кўлами кенг ишни амалга оширишнинг ўзи бўлмаётгандир?**

-- Албатта, ҳар бир ишда бўлгани каби, бизнинг экспедициямизда ҳам қийинчиликлар бўлиб туради. Шукрки, "Камолот" жамғармаси, "Ўзэлектроаппарат" заводи бошқаруви, "Инжинерсервис" фирмаси, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси каби ҳомийларимиз бор. Уларнинг моддий ва маънавий мадади билан ана шундай улуғвор ишга бел боғлаганмиз.

Биз дастлабки иш бошлаган пайтларимизда ҳали ҳамманинг кўзига қудратли ва енгилмас бўлиб кўринган собиқ Иттифоқ мавжуд эди. Шунинг учун ҳам бошқа бир қанча қийинчиликлар, қаршиликлар бўлди. Аммо имони саломат инсон борки, ўзи туғилиб ўсган муқаддас ватанни севади, унинг буюк сиймоларини қадрлайди. Зеро, "Ватанни севмоқ иймондандир", деб бежиз айтилмаган.

**-- Экспедиция аъзолари шу кеча-кундузда қандай ишлар билан банд?**

-- Куни кеча ўн саккизинчи йўналишдан қайтиб келдик. Соҳибқирон таваллудининг 662 йиллиги муносабати билан ўтказилган бу йўналиш Бухоро вилоятининг Қоракўл тумани бўйлаб кечди. Унда Темур ва темурийлар даври тарихига оид манбалар, материаллар тўпланди. Қадимий Пойкент шаҳри харобалари кўздан кечирилди. Қоракўлдаги қумликлар ичида жойлашган Шибирдон ота мақбараси илмий асосда ўрганилди.

Шунингдек, туман тарихини ўрганаётган ёшлар учун дастур тузилиб, тарихий қадамжолар, қадимий масканлар, муҳим меъморчилик обидаларининг харитаси яратилди. Экспедиция олиб борган ишларнинг натижаси ўлароқ, уч қисмдан иборат телефильм вужудга келди. Шу кунга қадар бундай телефильмларнинг 40 таси яратилиб, томошабинлар ҳукмига ҳавола этилмоқда. Уларнинг айримлари Туркия ва Саудия Арабистони каби хорижий мамлакатларда ҳам намойиш қилинди.

**Темир ҚУРБОН суҳбатлашди**

*"Камолот" янгиликлари*

# БОБО РУҲИ ШОД БЎЛСИН

Соҳибқирон Амир Темурнинг 662 йиллик таваллуд кунларида Қарши шаҳрида "Камолот" Амир Темур жамғармалари, "Темирйўлчи" спорт жамияти, ҳамда "Тасвирий ойна" ижодий уюшмасининг Қашқадарё вилоят бўлимлари билан ҳамкорликда "Турон" якка кураш тури бўйича мусобақа ўтказилди. Унда шаҳар ва туманлардан 200 дан зиёд полвон қатнашди. 35 ва 60 килограмм вазндан юқори бўлган ўсмирлар ўртасида Ш.Яхшиев, Қ.Рўзиев, М.Усмонов, Ж.Султонов, У.Одилов, О.Юсуповлар биринчи ўринни эгаллаб, вилоят чемпионлари бўлишди.

Мутлақ чемпионлик учун 16 киши курашга тушди. Унда биринчи ўринни Д.Баҳринов, иккинчи ўринни Р.Бўриев, учинчи ўринни А.Дарвишов эгалладилар. Мусобақа ғолиблари вилоят ҳокимлиги, Амир Темур ҳамда "Камолот" жамғармалари вилоят бўлимларининг диплом, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

* * *

Вилоят "Камолот" жамғармаси ташаббуси билан эса куни кеча Қарши шаҳар Агроиқтисодиёт институтида Амир Темур таваллуди кунига бағишлаб "Амир Темур ҳаёти ва фаолияти, уни ўрганишнинг аҳамияти" мавзуида учрашув ўтказилди.

Унда талабалардан ташқари воҳада номи чиққан олим-у, фузалолар ҳам иштирок этишди.

# "КАМОЛОТ-98" ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

Термиз шаҳрида Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" жамғармаси 2 йиллиги ва "Алпомиш" халқ достонининг 1000 йиллигига бағишланган "Камолот-98" Ёшлар Фестивали бўлиб ўтди.

Тантаналар эрталаб соат 10.00 да Ал-Хаким ат - Термизий майдонида бошланиб, "Алпомиш", "Барчиной", "Навкарлар" ва "Оила" араваси бошчилигида вилоятнинг барча олийгоҳ, ўрта махсус, ўрта мактаб ва болалар боғчаларидан тузилган ёшлар карвони карнай-сурнай садолари остида "Дўстлик" истироҳат боғига йўл олди.

Истироҳат боғининг марказий саҳнасида Фестивалнинг очилиш маросими бўлди.

Бу ерга ташриф буюрган меҳмонлар ва мезбонлар ёшларни қутлуғ байрам билан табриклашди.

Сўнг талаба ёшлар ҳамда болажонлар ижросидаги саҳна кўринишларидан парчалар намойиш этишди.

Фестиваль дастурига биноан ёш хонандалар иштирокида вилоят эстрада қўшиқлари кўрик-танлови ўтказилди.

**Ж.ХОЛМЎМИНОВ**

# ЯНГИЙЎЛЛИКЛАР ҒОЛИБ

Янгийўл шаҳридаги 5-ўрта мактабнинг спорт зали ишқибозлар билан гавжум бўлди. Бу ерда Республика Ёшларининг "Камолот кубоги" учун баскетбол бўйича минтақавий саралаш ўйинлари бўлиб ўтди. Юқори Чирчиқ, Оққўрғон, Янгийўл шаҳри, Янгийўл тумани ички ишлар ходимлари майдонга тушдилар.

Маълумки "Камолот кубоги" Республика биринчилиги Мустақиллик байрами арафасида Тошкент шаҳрида ўтказилади. Мана шу катта спорт байрамига йўлланма олиш учун айни кунларда ўтказилаётган саралаш ўйинларида Таълим вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, касаба уюшмалари, Ички ишлар вазирлиги спортчилари ўзаро куч синашСдилар.

Мазкур беллашувда Янгийўл шаҳри ички ишлар ходимларининг жамоаси биринчиликни қўлга киритиб, вилоят биринчилиги бўйича ўтадиган навбатдаги мусобақада иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Ғолибларга "Камолот" жамғармаси Янгийўл тумани ва Янгийўл шаҳри бўлимининг эсдалик совғалари топширилди.

**Жўра МАҲМУДОВ**



## ДОЛЛАР ҚАНЧА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 21 апрелдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади. Унга кўра 1 АҚШ долларининг қиймати 85,50 сўм миқдорида белгиланди.**

# КОСМОНАВТНИНГ ҚИЗИ

Машҳур кишилар оиласида

*Довруғи оламга бир лаҳзада достон бўлган ўзбек фазогири Солижон Шариповнинг қизи Нигорахоним Шарипова Москванинг Звёздный шаҳарчасидаги Комаров номли мактабнинг 3-синфида ўқийди. Табиатан қувноқ, шу билан бирга, кичкинтойларга хос бўлмаган жиддий қизчанинг суҳбатидан баҳраманд бўларканман, болаликнинг беғубор кўчаларига қайтдим гўё...*

**-- Нигора, дадангнинг фазога учганидан роса хурсанд бўлгандирсан?..**

--Дадам фазогирлар кийими -- скафандрни кийишларидан 2 соат олдин қўнғироқ қилиб, космосга парвоз этишлари ҳақида бизга хабар бердилар. Ойим ўшанда Америка Қўшма Штатларида, дадамнинг ёнларида эди. Дадамнинг коинотга учишларини эшитиб жудаям қувониб кетдик. Бувим бизникида эди, кейин дадамни телевизорда кўрдик.

**-- Дадангни Ўзбекистонда машҳур фазогир сифатида яхши билишади, лекин оила даврасида...**

-- Дадам -- жуда сахий, меҳрибон одам. Тўғри кўпчилик болалар оталарини мақташади. Лекин дадам ростдан ҳам оққўнгил, саховатли.

**-- Жаҳллари чиққанда-чи...**

-- Йўқ, улар мени ҳеч қачон уришмайди, жаҳллари чиққан пайтни сира эслолмайман. Умуман олганда дадамнинг жаҳли йўқ. Ахир у киши космонавт-ку! Космонавтлар эса иродали бўлишади.

**-- Фазогирлар болалари орасида ўртоқларинг кўп бўлса керак?**

-- Мен Лена Ануфриенко билан дугонаман. Унинг ҳам дадаси космонавт. Ундан ташқари Жонибековлар оиласи билан жуда аҳилмиз. Уларнинг болалари катта ёшли. Оналари Лилия Жонибекова бизникига тез-тез келиб туради. У киши ойим билан дугона.

**-- Дарсларингни кўпроқ даданг билан тайёрлайсанми ёки ойинг билан?**

-- Йўқ, мен мустақил дарс тайёрлайман. Фақат мақтанчоқ экан деб ўйламанг-ку, лекин аъло баҳоларда ўқийман. Яқинда математика, рус тили бўйича бўлиб ўтган олимпиадаларда биринчи ўринни эгалладим.

**-- Нимани яхши кўрасан?**

-- Расм чизишни, ашула айтишни, пианинода куй ижро этишни, яна табиат, тарих фанларини яхши кўраман. Дарсдан бўш пайтимда уй юмушларига қарашаман, укачамни боғчадан олиб келаман.

**-- Укачам...**

-- Ҳа, унинг исми Жаҳонгир. Февралда олти ёшга тўлди.

**-- Катта бўлсанг қайси касбда ишлайсан?**

-- Менга ҳамма касблар ёқади. Космонавтнинг қизи, космонавт бўлиши керак дейишади. Бу ҳақда ўйлаш ҳали эрта деб ҳисоблайман. Мактабни тугатсам кейин касб танлайман.

**-- Даданг ютуқларингдан жуда қувонсалар керак?**

-- Ҳа. Кичкиналигимиздан Жаҳонгир икковимизга мустақил бўлишни ўргатишади. Ўқиш ва ёзишни мактабга боришдан аввал ўрганиб олганман. Ўшанда дадам кў-ў-п китоб олиб келганлар. Дадам уйда бўлмасалар уйимиз зерикарли бўлиб ҳувиллаб қолади. Мен сал-пал қўрқаман. Қўрқмаслик учун ойим, мен, Жаҳонгир уччовимиз бир каравотда ухлаймиз.

**-- Аданг қандай кишиларни ёқтирмайдилар?**

-- Мақтанчоқларни, ёлғончиларни. Мен ҳам ёқтирмайман.

**-- Тошкентни биласанми?**

-- Ҳа, бир марта бўлганман. Таътил пайтида Ўзганга кета туриб йўл-йўлакай Тошкентда тўхтаб ўтдик. У ерда холам яшайди. Одамлари оққўнгил, бирам яхши, мевалар кўп, жуда ширин экан.

**-- Ўзбекистондаги тенгқурларингга қандай тилаклар билдирасан?**

-- Ўзбекистондаги болалар ўқув йилини аъло тугатиб олсинлар. Яна соғлик-саломатлик тилайман. Кейин бувимга, бувамга газетангиз орқали салом айтмоқчиман. Май ойида Ўзбекистонда кўришгунча хайр!

**Суҳбатдош: Назокат УСМОНОВА**

---

Каратэ

# АЛПОМИШ АВЛОДЛАРИ

## ўзбекистонликлар халқаро мусобақа ғолиблари

*Ёдингизда бўлса, газетамизнинг аввалги сонларидан бирида каратэ бўйича мамлакатимиз ёшлар терма жамоаси Украинада бўлиб ўтадиган халқаро турнирга боришлари ҳақидаги хабар ва жамоанинг энг ёш аъзоларидан бири ("Тўққиз ёшли чемпион") билан мусоҳаба босилган эди. Куни кеча ёш спортчиларни кутиб олиш маросимида иштирок этиб, қуйидаги репортажни тайёрладик.*

Тайёрагоҳ. Тонгги соат 5. 30. "Айрилиқ ва учрашиш" бекатига етиб келганимизда эндигина тун бағрини кундуз сутга чаётган бўлишига қарамай, одамлар гавжум эди. Улар орасида кундай ёруғ юз ила қайтаётган чемпионларимизни кутиб олишга чиққан ота-оналар, ишқибозлар, журналистлар, каратэ миллий федерацияси вакиллари ҳам анча эди.

"Киев -- Тошкент" йўналиши бўйлаб учаётган самолёт яна ярим соатдан сўнг она диёримиз бағрига қўниши эълон қилингач, фурсатдан фойдаланиб, ота-оналарнинг, баъзиларини суҳбатга тортдик.

**Рўзиқул ХЎЖАЕВ:**

-- Кеча, кечки пайти шу хабарни эшитиб, Тошкентга йўл олдим. Етиб келганимга икки соатлар бўлди. Рости жуда хурсандман. Айниқса, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси сафида ўғлим Нодирнинг борлигидан. Ахир ота учун ўғлининг ғалабаси, муваффаққияти фахр-да. Қолаверса, бу ютуқлар юртимизда каратэга, спортга берилаётган алоҳида эътиборнинг меваси деб биламан.

**Бунёд НАФАСОВ:**

-- Ўғилларимнинг деярли барчаси каратэ билан шуғулланади. Ҳозир ҳаммамиз Улуғбекни кутиб олиш учун чиққанмиз. Хурсандчилигимизнинг чеки йўқ. Бунинг учун мамлакатимиз раҳбарларига раҳмат. Зотан шароит, имконият бўлмаса бундай ғалабалар, ютуқлар қаердан ҳам бўларди?

**Ҳа, шундай каратэчиларимиз яратилган шароитлардан унумли фойдаланишди. Одесса шаҳрида ўсмирлар ва ёшлар ўртасида бўлиб ўтган халқаро турнирда 40 жамоанинг 800 нафардан зиёд иштирокчиси ичида 9 та олтин, 2 та кумуш медалларнинг соҳиби бўлишиб, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллашди.**

Соат 6. 00. Ҳаяжон, қувонч кўпларнинг юзига, кўзига кўчган. Бирин-кетин бўлғуси "каратэ машиналари" -- спортчиларимиз кенг тайёрадан тушиб келишмоқда. Учрашдик. Кўнгилда улкан орзуларнинг илк япроқлари очилгандай бўлди. Бу каратэчиларимизнинг 1998 йил ҳисобидан илк халқаро мусобақаси ва улкан ғалабаси!

Темирни қизиғида бос, дея, аввало қаҳрамонимиз Нодир Хўжаевни табриклаб, сўнгра бошқа ўртоқлари билан суҳбатлашишга ошиқдик.

**Шерзод ИБРОҲИМОВ:**

-- Каратэнинг илк сабоғини отамдан олганман. Қолаверса, шу даражага етишувимда бир қанча устозларимнинг хизмати беқиёс. Аввало уларга раҳмат. Лекин рости, ҳеч чемпион бўламан деб ўйламовдим. Ғалаба қозонишимга эса тинимсиз машқлар катта ёрдам берди.

**Илҳом КАРИМОВ:**

--Мен ўз рақибларимнинг имкониятларини чамалаб кўриб, 3-ўринни олдимга мақсад қилиб қўйгандим. Тенгдошларим орасида 2 та жаҳон чемпионлари бор эди. Шулардан озгина ҳадиксираб турувдим. Бироқ ҳаммаси бошқача кечди. Омад келса, ҳаммаси бўлар экан. Шохсупанинг энг юқори поғонасида турибман. Мадҳиямиз янграяпти. Ўзбекистоннинг нақадар азизлигини, Ватан сўзининг оҳанграболигини кўнгилдан ўтказаман. Шу жиҳатдан биз бахтли юртнинг бахтли фарзандларимиз.

**Яна бир нуфузли мусобақа ортда қолди. Олдда эса Осиё Жаҳон чемпионатлари, халқаро турнирлар. Демак, ғалабаларнинг олтин зарварақлари яна битилажак. Кўнгилда ғурур, фахр туйғулари улғаяжак!**



ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАР:

***Улуғбек Нафасов, Нодир Хўжаев, Бекзод Нафасов, Саидлазиз Бурхонов, Дамир Гумиров, Ренат Кутуев, Шерзод Ибрагимов, Александр Пак, Фазлиддин Сапиев, Фарҳод Аҳмедов, Илҳом Каримов, Отабек Қосимов, Умид Мадатқулов.***

**Тўлқин РЎЗИЕВ, Абдулазиз РАИМОВ**

*Суратда: Ғолибларга ҳамма нарса ярашади.*

---

Ибрат

# ҲОТАМТОЙ ҲОМИЙ

"Камолот" жамғармаси Ғузор туман бўлими ташаббуси билан бир қатор ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган волейбол ва баскетбол бўйича "Камолот кубоги" вилоят босқичида ғолиб деб топилган Ҳ.Абдуллаев номли мактаб волейболчи қизларига 12 жуфт, Ойбек номли волейболчи ўғил болаларига 12 жуфт, Қ.Ниёзий номли мактаб баскетболчиларига 10 жуфт спорт кийими тақдирлаш мақсадида бепул тарқатилди.

Бундан ташқари спортнинг "чим устида хоккей" тури бўйича Республика босқичида 2-ўринни олган Фирдавсий номли мактаб ўқувчилари жамоасига 147 жуфт, Спорт интернати футбол жамоасига 17 жуфт, ҳамда "Ғузор" футбол жамоасининг аъзоларига 30 жуфт спорт кийими бепул улашилди.

**И.АБДУРАҲМОНОВ**

---

Спорт

## КУМУШ МЕДАЛ СОВРИНДОРЛАРИ

Малайзияда шаҳарлар ўртасида шахмат буйича Осиё чемпионати ниҳоясига етди. Унда 26 шаҳардан 156 гроссмейстер иштирок этди. Унда Тошкентдан Рустам Қосимжонов, Сайидали Йўлдошев, Михаил Салтаев, Сергей Загребельний, Владимир Егин, Дмитрий Қаюмов иштирок этди. Мусобақа тўққиз даврада ўтди.

Саккизинчи давра охирида икки команда - 25,5 тадан хол тўплаган Хитой ва Ўзбекистон шахматчилари пешқадам эди. Якунловчи, тўққизинчи даврада Хитой шахматчилари ҳиндларни 3,5:О,5 ҳисобида ютди, ўзбекистонликлар эса индонезияликлар билан учрашувни дуранг натижа /2:2/ билан якунлашди.

Шундай қилиб, Хитой шахматчилари мусобақа ғолиби бўлишди. Бизнинг шахматчиларимиз иккинчи, Индонезия командаси учинчи ўринни эгаллашди.

## ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Қирғизистонда Марказий Осиё ёшлар командалари ўртасида футбол бўйича халқаро мусобақа ниҳоясига етди. Унда 1О та команда иштирок этди.

Ўзбекистон ёшлар терма командаси ўз гуруҳида ғалабага эришиб, финалда мусобака мезбонлари - Қораболти шаҳрининг «КВТ-Динамо» командаси спортчилари билан учрашди. Ўзбекистонликлар рақиблар дарвозасига 3 та тўп киритдилар, ўз дарвозаларидан тўп ўтишига йўл қўймадилар. Натижада Ўзбекистон ёшлар командаси мусобақа ғолиби бўлди.

**ЎзА**

---

# "ШОВВОЗЛАР"ГА ОМАД ЁР!

ТошДУ Маданият саройида "Камолот" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими "Қувноқлар ва зукколар" танловининг нимчорак босқичи беллашуви бўлиб ўтди. Унда "Шоввозлар" (Тошкент Давлат университети) -- "Ўзавтоюлдузлар" (Тошкент автомобиль йўллари институти) жамоалари "Шарқ бозори" мавзуси бўйича ўзаро куч синашдилар. Танловнинг биринчи шарти "Нима, қаерда, неча пул?" -- дея номланиб, бунда гуруҳлар бозорлардаги аҳвол ҳақида қизиқарли, ҳазил-мутойиба билан жавоб беришди.

Иккинчи шарт эса "Эшитдингизми?" деган савол билан гуруҳлар бирларининг билимларини, дунёқарашларини синашлари лозим эди.

Учинчи шарт "Нархларингни яширма!" деб номланди. Бунда ҳар иккала гуруҳ аъзолари мусиқали кўриниш билан бозорлардаги юлғичликларни ҳазил қўшиқлар тарзида намойиш этдилар.

"Шарқ бозори" танловида "Шоввозлар" (ТошДУ) 86 балл, "Ўзавтоюлдузлар" (ТАЙИ) 68 балл тўпладилар.

Танлов ҳомийси "Дор-оро" фирмасининг раҳбари Абдураҳим Охунов "Шоввозлар"га қимматбаҳо совғалар улашди.

**Шерзод ФАЙЗИЕВ**

---

# КУЛГУХОНА




— Нега дарсга бормаяпсан?
— Бозорни ўрганяпман.

**Мухбир бригадирдан сўради:**

**-- Ўтган йили ўн беш гектар ерга картошка эккан экансизлар. Қанча ҳосил олдингиз?**

**-- Ҳеч қанча... ҳаммасини қўнғиз еб кетди.**

**-- Бу йил нима қилмоқчисизлар?- савол берди яна мухбир.**

**-- Йигирма беш гектарга картошка экдик. Қўнғизлар бўкиб ўлсин,- деб жавоб қайтарди бригадир.**

* * *

*Ўқитувчи ўқувчидан сўради:*

*-- "Отам мажлисда қолди", деган гапнинг таҳлили қандай бўлади?*

*Ўқувчи жавоб берди:*

*-- "Отам"- гапнинг эгаси, "қолди"-кесими, "мажлисда"- онамга айтиладиган баҳона.*

* * *

**Операциядан "эсон-омон" чиққан беморни ҳамма табриклади.**

**-- Энг муваффақиятлиси бу гал қўлқоп ҳам, қайчи ҳам йўқолмади,- деди жарроҳ.**

**-- Фақат шошилганимдан бу ерга олиб кирган шляпамдан ташқари,- деди ёрдамчи дўхтир.**

---

Миллионлар ўйини

# "СУРХОН": ҚАЙТАР ДУНЁ ЭКАН...

*Куни кеча футбол бўйича VII миллий чемпионати олий лига жамоалари 6-тур учрашуви ўтказилди. Мазкур турнинг марказий ўйини Тошкентда "Пахтакор" ва "Нефтчи" жамоалари ўртасида бўлиб ўтди.*

Марказий "Пахтакор" ўйингоҳига ташриф буюрган 30 мингга яқин ишқибозлар азалий рақибларнинг "европача" "кураш"ларини кўриш иштиёқида келганлари сир эмас. Аммо... Шу куни ўз таркибига ўзбек футбол юлдузларини жамлаган "Пахтакор" ҳам, тажрибали мураббий Юрий Саркесяннинг ёрқин истеъдодли ёш шогирдлари ҳам мухлислар ишончини оқлай олмадилар. Учрашувдаги ягона тўп ҳам жуда оддий ҳолда меҳмонлар дарвозасига киритилди. Ён чизиқдан "узун қўллик йигит" -- Бахтиёр Қамбаралиев ўйинга киритган тўп тўғри фарғоналиклар жарима майдонига келиб тушди. Уни майдон маркази томон тепиб юбормоқчи бўлган ҳимоячининг оёғи тўпга тегмай қолди ва бу ерда турган Азамат Абдураимов боши билан тайёр "ошни пиширди". Шундан сўнг икки томон ҳам нақд 87 дақиқа ҳисобни ўзгартириш учун жонжаҳдлари ила ҳаракат қилишди. Афсуски, шу куни икки номдор жамоа ҳужумчиларига омад боқмади. Меҳмонлардан Писарев 3 бор, тошкентликлардан эса Дилмурод Назаров ва Бахтиёр Ашурматовлар икки бор дарвозабон билан яккама-якка чиқдилар , аммо сўнгги палла ҳал қилувчи ҳаракатлар чучмал, зарбалар эса ноаниқ бўлди.

Шу ўйинда, икки томон "шоввоз"лари ҳам анчайин боодоб эканликларини кўрсата олишди. Республикадаги энг одил ва тажрибали ҳакам Гали Имомов мезбонлардан ҳам, меҳмонлардан ҳам учтадан ўйинчига сариқ "совға" тақдим этди. 6-тур ҳам шу жиҳати ила мухлислар ёдида қолса ажаб эмас. Зеро, мазкур турда нақд 20 футболчининг "елкасига" огоҳлантириш ёзилди.

Учрашув ҳақида янаям тўлиқроқ маълумот бериш мақсадида, холис бир ишқибоз -- туркиялиқ талаба Меҳди Оққўйуннинг фикрларини ҳам қайд этиш ўринли деб ўйлаймиз: -- "Менга, "Пахтакор" гарчи кичик ҳисобда ютган бўлсада, "Нефтчи" жамоаси сингари ўйин кўрсата олмагандай туюлди. Тошкентликлар негадир майдонда совуқ ҳаракат қилишди. Бечора Миржалол Қосимов роса тиришиб, югуриб-елиб юзага келтирган вазиятларини шериклари охирига етказа олмадилар. Ўйинчилар ўз ўрнини йўқотиб қўйганга ўхшайди: хужумчилар -- ҳимояда, ҳимоячилар -- хужумда. Билмадим балки бразилиялик мурабийнинг кўрсатмаси шундай бўлгандир. Лекин футбол жамоа ўйини, ҳар ким ўз вазифасини уддалаши лозим. "Нефтчи"да эса ўша жамоа ўйини мавжуд. Фарғоналиклар жуда чиройли, бир-бирларини тушуниб ҳаракат қилишди. Бироқ уларга бироз тажриба етишмади".

Севимли жамоалардан бири "Дўстлик" ўз майдонида олий лиганинг янги "меҳмони", Қўқоннинг "Темирйўлчи" жамоасини қабул қилди. Мезбонлар мураббийси бу учрашувга асосан ёш ўйинчиларни тушириб, синамоқчи бўлган бўлса-да, қўқонликлар бу "мурувват"дан унумли фойдалана билмадилар. Аксинча ўйин охирида таблода 6:1 ҳисоби осиғлиқ турарди.

Ўтган турда "Бухоро"дан қуруқ қайтган пойтахт вилояти вакиллари қўқонлик рақибларига қарши хотиржам ҳаракат қилишди. Бу ҳисоб олий лигага мулақо ярашмаса-да, мухлислар қалбида 4-турдаги "Темирйўлчи" -- "Андижон" -- 6:0 ҳисоби бежиз эмаслиги, қўқонликларнинг олий лига сафари эрта қариши ҳақида мулоҳаза уйғотади. Не умидлар ила "олий" мақсадга эришган "Темирйўлчи" жамоасининг бундай "номаъқул" ҳаракати ишқибозлар кўнглига ўринли ачиниш ҳиссини солади. Ахир олий лигага очко улашиш учун эмас, балки зўр ўйин кўрсатиб, мухлислар қалбидан ўрин олиш, совриндорлар қаторидан жой олиб, халқаро учрашувларда қатнашиш учун чиқадилар.

Ўтган турда чемпион МХСК жамоасини ўз майдонида аямай 5 та гол билан сийлаган Термиз шаҳрининг "Сурхон" жамоаси Наманганда "Навбаҳор"чилардан худди шундай ҳисобда енгилдилар. Қаршининг "Насаф" жамоаси эса пешқадамлардан бири Бухоронинг "Бухоро" жамоасини қабул қилиб, дуранг (0:0) натижага эришдилар. Энди 6 турдан 15 тадан очко тўплаган "Навбаҳор" ва "Пахтакор" жамоаси пешқадамлик курсисига жойлашдилар. Косонсойнинг "Косонсой" жамоаси ҳам республикадаги "ғалати" жамоалар сирасига киради. Оддий жамоалардан енгилиб, пешқадам ва номдорлардан очко "юлиш"ни одат қилишган косонсойликлар 6-турда VII миллий чемпионатдаги 1-ютуқни қўлга киритдилар. Аввали сафар "ака"си "Навбаҳор"ни тўхтатиб қўйган "Хоразм" дарвозасига жавобсиз учта тўп йўллаб, ҳаммани лол қолдиришди.

Навоий шаҳрининг "Зарафшон" жамоаси Бекободнинг "Металлург" жамоасини қабул қилиб, 3:0 ҳисобида устун келган бўлса, чемпионимиз МХСК ўз майдонида "Сўғдиёна"га қарши тўп суриб, 0:4 ҳисобида енгилдилар. Тошкентда бўлиб ўтган "Трактор" -- "Андижон" учрашувида эса 1:1 ҳисоби қайд этилди.

**А. ВАҲОБОВ**

*6-турдан сўнг чемпионат жадвали қуйидагича:*

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. "Навбаҳор" | 6 | 5 | 0 | 1 | 15-2 | 15 |
| 2. "Пахтакор" | 6 | 5 | 0 | 1 | 13-5 | 15 |
| 3. "Бухоро" | 6 | 4 | 1 | 1 | 8-3 | 13 |
| 4. "Нефтчи" | 6 | 4 | 0 | 2 | 11-5 | 12 |
| 5. "Сўғдиёна" | 6 | 4 | 0 | 2 | 10-5 | 12 |
| 6. "Дўстлик" | 6 | 3 | 1 | 2 | 11-6 | 10 |
| 7. "Зарафшон" | 6 | 3 | 1 | 2 | 7-5 | 10 |
| 8. "Насаф" | 6 | 2 | 3 | 0 | 6-4 | 9 |
| 9. "Хоразм" | 6 | 2 | 2 | 2 | 7-7 | 8 |
| 10. "Андижон" | 6 | 2 | 1 | 3 | 10-9 | 7 |
| 11. "Трактор" | 6 | 2 | 1 | 3 | 4-9 | 7 |
| 12 "Сурхон" | 6 | 2 | 0 | 4 | 8-12 | 6 |
| 13. "Металлург" | 6 | 2 | 0 | 4 | 6-10 | 6 |
| 14. "Косонсой" | 6 | 1 | 1 | 4 | 6-10 | 4 |
| 15. "Темирйўлчи" | 6 | 1 | 0 | 5 | 7-21 | 3 |
| 16. МХСК | 6 | 0 | 1 | 5 | 3-19 | 1 |

---

**ЭЪЛОН**

**Масъулияти чекланган "Караш" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги телефон бўйича қабул қилинади.**

**Т: 125-32-55**

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир: Темир ҚУРБОН

ТАҲРИРИЯТ: Қабулхона — 136-56-58, 133-95-97; хатлар бўлими — 136-54-64; тижорат бўлими — 133-79-69; ижодкор ёшлар бўлими — 136-54-64; спорт, ҳарбий ватанпарварлик бўлими — 136-58-93, котибият — 136-58-48.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Нашр кўрсаткичи 64607

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Дизайн устаси: С.ФАЙЗУЛЛАЕВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси
Буюртма Г. — 011128.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41
Ҳажми — 2 табоқ Тираж: 13.080
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти — 21.30